

A photograph of a man with dark hair, wearing a white button-down shirt, is centered in the image. He is looking slightly to the right with a neutral expression. The background is a dense collage of hand-drawn caricatures of various people's faces, mostly smiling or laughing. The text 'АБДУЛЛА ҚИЗИК' is written in a bold, yellow, sans-serif font, arched over the top half of the man's head.

АБДУЛЛА ҚИЗИК

НИМА ДЕЙДИ?

АБДУЛЛА ҚИЗИК



НИМА ДЕЙДИ?

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006

## Ёзиб олувчи ва тўплаб нашрга тайёрловчи

### Саид АНВАР

Замонанинг тескарилигини қаранг! Кимдир бутун умри давомида элнинг, айниқса машҳурларнинг назарига тушолмай ўтади. Абдулла қизик Акбаровнинг ҳаёти ва ижоди эса, бунинг акси. Хали унча танилмай туриб, ўзининг ичақузди хангомалари билан бутун Осиёга донг таратган Мухиддин қизик Дарвешовнинг назарига тушди. Унинг илк ижоди билан танишган Мухиддин қизик, «Олтиариқдан бир қизикчи чиқибди, Абдулла деган, ижоди — даҳшат», дея эътироф этади.

Мана, чорак асрдан буён Абдулла Акбаров ўзининг «даҳшат»лигини йўқотмай, қизикчиларимизнинг энг олдинги сафларида бормоқда.

Бунинг сабаби эса битта: Абдулла Акбаров — жаҳон ҳажвиётини, устоз кулги усталари ва халқ оғзаки ижодини тинимсиз ўрганишдан чарчамайдиган қизикчи. Шунинг учун унда ҳамиша хангомаларнинг янғисидан бўлади. Ушбу тўпламга ана шу изчил ўрганишлар натижа-сида яратилган, бугунги кунда ҳам янгилигини йўқотмаган ханго-малар, шеърлар ва хандалар жамланди.

# Ҳангомалар





## **Ғашим келяпти**

Аёлларимиз ўз фарзандларини шунақа яхши кўришадики, ўғлини уйлаб қўйса, уни келинидан қизганишади. Қизини турмушга берса, уни куёвидан «рашк» қилишади. Шунинг оркасидан «қайнонагарчилик» деган ҳолат келиб чиқади. Бир йигит мактабни тугатиб институтга ўқишга кирибди. Уч-тўрт йил ўқигач, аяси ўғлига қараб:

— Ўғлим, ўртоқларинг бирин-кетин уйланишаяпти. Энди сениям уйлаб қўйсак. Яхши кўрган кизинг борми? — деб сўрабди.

Ўғли эса:

— Курсдошларимдан бирини яхши кўраман! — жавоб берибди.

— Эсли-хушли, ақлли қизми? Бир суратини кўрсатчи!

— Ая, суратини бермаган!

— Совчи жўнатмасдан олдин бир кўрганимизда яхши бўларди-да!

Ўғил эпчиллик қилиб:

— Яқинда туғилган куним бўлади, уни таклиф қиламан, ўзингиз таниб олаверасиз, — дебди.

Ҳақиқатан ҳам севган қизи туғилган кунда иккита дугонаси билан келибди. Аяси кизиқиб:

— Яхши кўрганинг қайси бири? — деб сўраса, ўғли эрқаланиб:

— Сизнинг дидингиз яхши. Ўзингиз топинг-чи, қайси бирини яхши кўрар эканман? — дебди.

Аяси қизларнинг олдига кириб, беш дақиқада қайтиб чиқибди:

— Ўртадаги кизни танлагансан, тўғрими?

— Аяжон, топқирлигингизга гап йўқ, — дебди. — Аммо ўша кизни яхши кўришимни қаердан билдингиз?

— Кўрсам ҳозирданоқ ғашим келяпти! — дермиш онаси.



## **Балки...**

Хозирги замон болаларининг топқирлигига гап йўқ-да. Бир ўқитувчи ўқувчидан сўрабди:

— Беш карра беш неччи бўлади?

— Йигирма беш, — ўқувчи дарҳол жавоб қилибди.

Ўқитувчи бош чайкаб, уни яна бир имтиҳон қилмоқчи бўлиб:

— Аниқ йигирма беш бўладими? — дебди.

— Билмадим, — ўқувчи чаккасини қашлабди. —

Балки улгуржи бозорда йигирма бўлар...

## **Мен ўргатмасам...**

Эр газета ўқиб, хотин телевизор кўриб ўтиришса, ўфилчалари кириб сўраб қолибди:

— Дада, нега кўёш кундузи чиқади?

— Билмадим, — жавоб қилибди ота газетадан бош кўтармай.

Дам ўтмай ўфил яна савол ташлабди:

— Нега юлдузлар кундузи кўринмайди?

— Билмадим, — жавоб қилибди ота.

— Э, бемаъни саволлар билан дадангнинг бошини қотиравермагин, ўзи ишдан чарчаб келди! — деб хотини гапга қўшилибди.

— Э, қўявер. Билмаганларини ўғлимизга мен ўргатмасам ким ўргатади? — дермиш билағон эр.

## **Кўрдим**

Бир акахонимизнинг тўққизта кизи бор экан. Ўфил кўрсам, етказганига исмини «Кўрдим» қўяман деб ўзига ўзи сўз берибди. Ҳар қалай ниятига етибди. Акахонимиз сўзида туриб, унга «Кўрдим» деб исм қўйибди. Йиллар ўтибди. Бир куни уларнинг уйига меҳмон келиб қолибди. Ошни энди еймиз деб туришган экан, чироқ ўчиб қолибди. Меҳмон пайтдан фойдаланиб гўштнинг каттароғини олдига тортиб, энди ейман деб турса, мезбон шам олиб келгин демоқчи бўлиб:

— Кўрдим! — деб ўғлини чақирибди.

Меҳмон бир сакраб тушибди.

Ўғлидан дарак бўлавермагач, акамиз овозини баландлатиб яна:

— Кўрдим! — дея бақирибди.

Меҳмон ўғлининг исмини билмас эканми, шошиб-пишиб:

— Ака, бақираверманг одамни шарманда қилиб бир марта кўрдим, деганингиздаёқ гўштни жойига қўйиб қўйганман! — дермиш.

### **Осмондан тушади**

— Чорраҳанинг бир томонида трактор, иккинчи томонида автобус, учинчи томонида юк машинаси турибди, — ўқитувчи талабага тушунтириб, сўнг сўрабди. — Чорраҳани биринчи бўлиб қайси бири кесиб ўтади?

— Биринчи бўлиб «Дамас» кесиб ўтади.

— Ие, ўйлаб гапиряпсанми, чорраҳада «Дамас» йўқ-ку?

— Осмондан тушгандай бирдан пайдо бўлиб қолади-да, «Дамас».

### **Хаёл кетиб...**

Абдурайим тоға ҳамма уни қувиб ўтиб кетаверганидан кўнгли чўкиб, «Запорожец» машинасига «Нексия»нинг моторини қўйибди. Ўзича бу машинани «Запакия» деб атабди. Мотор кучли, «Запакия»сида 180 да кетаётган «Мерседес»ни қувиб ўтибди. Аммо рулни бошқаролмай қолиб, зовурга тушиб, хушидан кетибди. Абдурайим тоға кўзини очса, шифохонада ётганмиш. Ёнида оёқлари гипсланган бир йигит.

— Ха отахон, фалокатга йўлиқибсиз-да, — дебди йигит.

— Бир юзу саксонда кетаётган «Мерседес»ни қувиб ўтгандим, рулни бошқаролмай қолиб, аварияга йўлиқдим. Ўзингга нима бўлди, ўғлим? — дебди Абдурайим тоға.

— Мен ўша «Мерседес»нинг ҳайдовчиси бўламан.

— Ие, сени қувиб ўтиб кетгандим-ку? — хайрон бўлибди тоға.

— Машинамда бир юзу қиркда кетаётгандим. «Запорожец» қувиб ўтди, демак тўхтаб турибман, деб ўйлаб, эшикни очиб, машинадан тушиб кетибман.

### *Даданинг домласи*

— Канада қаерда жойлашган? — сўрабди ўқитувчи.

— Хозир бир дакика, — деб ўқувчи ёнидан сотка телефонини чиқариб, рақам тера бошлабди. — Дадамдан сўраб биламан.

— Овора бўлма, даданг ҳам билмайди, — дебди ўқитувчи.

— Нега энди билмайди?

— Чунки дадангни ҳам мен ўқитганман.

### *Шарофат*

Банкка қуролланган ўғрилар бостириб киришибди. Ходимларнинг ҳаммасини девор остида қўлларини кўтариб туришга буюришибди. Ўғрибоши кассир аёлдан сўрабди:

— Исмингиз нима?

— Шарофат.

— Онамга адаш экансиз, майли, сизни ўлдирмаймиз, — деб ўғри иккинчи ходимдан исминини сўрабди.

— Ўзи исмим Қулпиддин, аммо ўртоқларим ҳазиллашиб, Шарофат деб чақиришади, — дермиш ходим калтираб.

### *Шўрлик ота*

Тўққизинчи кизини узатаётган ота, ичкарида туриб дуо бераётганмиш.

— Ташқарига чиқиб дуо қилсангиз бўлмайдими? — дейишибди унга.

— Ташқарига қандай чиқай, куёвнинг эғнидаги шим меники бўлса, — дермиш ота.



## **Куёв солиқчи бўлса нима қиларди?**

Ўзбегимнинг «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр», «Ўтган кунлар», «Тўйлар муборак» каби фильмларини кўриб, бирида қаҳ-қаҳ уриб кулсангиз, иккинчисидан севги-муҳаббат қиссаларига гувоҳ бўласиз. Уларда яна шундай эпизодлар борки, кишини илҳомлантириб юборади. Жумладан, «Ўзгалар бахти» фильмида уйланган йигит чимилдикқа — биринчи висол кечасига шахмат кўтариб киради. Келинчак билан тонггача шахмат ўйнаб чиқади: худди дунёда бундан бошқа қиладиган иш йўқдек! Ишқибозлик ёмон-да.

Энди тасаввур қилиб кўринглар, ишқибоз дўстимиз чимилдикқа шахмат кўтариб кирса, қолган касбдаги одамлар уйланишса, биринчи висол оқшомини қандай ўтказишади?

Тасаввур қилинг, ўқитувчи йигит уйланиб қолди. Чимилдикқа синф журналини кўтариб кирди! Энди ўқитувчи йигит ўрганиб қолган, келинчакка қараб одатдаги сўзларини:

— Ассалому алайкум! — деб бошлаб қолса.

Келинчак ўрнидан туриб:

— Ваалайкум ассалом... — деб жавоб қилса.

— Бугун навбатчи ким?

— Бугун мен навбатчи...

— Бугун ким йўқ?

— Бугун ҳеч ким йўқ...

— Бугун қанақа кун?

— Бугун пайшанба...

— Эртага-чи?

— Эртага ҳам пайшанба, ёки бозор...

— Яхши, ўтиринг... Доскалар яхшилаб артилган бўлса, бугун сиз билан одам анатомиясидан янги дарсни бошлаймиз... — деб турса, ўқитувчи йигит.

Ёки тасаввур қилиб кўринг, ДАН ходими уйланиб қолди. Уям касб касали, чимилдикқа кириб, биринчи берадиган саволини қаранг:

— Хужжатлар жойидами?

Келинчак хужжатларни унинг қўлига тутқазиб:

— Мана, паспорт, манови никоҳ гувоҳномаси... — деса.

Назоратчи йигит хўмрайиб:

— Ишонч қоғози қани? — деб уни сўроққа тутса...

— Ишонч қоғози янгамда қолиб кетибди, — дея келин жавоб қилса.

Куёвбола:

— Унда биз билан юрасиз, сизни постда разбор қиламиз! — деб турса...

Хайдовчи йигит уйланса, у ёғини қўявераркансиз... Хайдовчиларимиз дангал йигитлар бўлишади-да. Чимилдикқа кирган замонлари гапни бошлашади:

— Қани ўрнингиздан туринг-чи, яхши қиз, бир техосмотр қилиб қўяйлик!

Бунақа муомалага ўрганмаган келинчак куёвнинг бу гапларидан чўчиб, қалтираб турса, хайдовчи йигит унинг оёғига қараб:

— Ие, ходовойлар тамом бўпти-ю! Аммо уни тутатса бўлади. Мотор қалай, мотор? Ишқилиб... — деб турса.

Энди тасаввур қилиб кўринг, қассоб йигит уйланиб қолди. Чимилдикқа кириб, келинни кўтариб кўриб:

— Сизни жуда семиз дейишганди, ўттиз кило юкинги бор-у? — деб терговни бошлаб қолса.

— Вой, дўхтирнинг тарозисида торттирганимда олтиш кило чиққанман.

— Дўхтирларнинг тарозисида чиқаверасиз-да. Биз қассобмиз, калла-почча, қоринларни ҳисобга олмаймиз, — деб турса.

Энди, божхонада ишлайдиган укамиз уйланиб қолди. Келинчакни имтиҳон қияпти:

— Олиб келган сепларингиз растоможка қилинганми?

— Ростоможка қилинган...

— Менга хотин бўлишингиз учун лицензиянгиз борми?

— Линцензия ҳам, — келиннинг аччиғи чиқиб жавраб берса, — сертификат ҳам, ростоможни ҳам бор.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/330> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/330> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/330>